

Ақийда дарслари (52-дарс). Рене Декартнинг шак назарияси



13:52 / 23.09.2019 4714

Имом Ғаззолий ва бошқа мусулмонлар инсонга ўзидаги ақл ва заковатни ўзининг имкони даражасида, ўзига фойда берадиган тарзда ишлатишни таклиф қиладилар.

Инсоннинг ақл доирасидан ташқаридаги, минг тортишса ҳам фойда бермайдиган ғайбий олам – метафизикага оид маълумотларни эса тайёр ишончли манбадан, яъни Аллоҳ таолонинг Ўзи динлар орқали берган хабарлардан олишни таклиф қиладилар. Диний ақийдаларга оид маълумотлар айнан ғайбиёт олами – метафизикага оиддир.

Ҳозиргача кўпчилик мусулмонлар, имом Ғаззолий фалсафани бутунлай куфрга чиқарган, деган хаёлда юрадилар. Аммо, аввал ўрганиб ўтганимиздек, аслида ундай эмас. Имом Ғаззолий фалсафанинг олтидан бирини, илоҳиётга тегишли ерини, яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, илоҳиётга тегишли йигирмата масаладан учтасини инкор қилиб, уларнинг куфр эканини баён қилганлар, холос.

Аммо у кишининг ўзлари кучли файласуф бўлганлари аниқ. Балки кучли файласуф бўлибгина қолмай, фалсафада тубдан бурилиш ясаган ва уни тўғри йўналишга йўллаган аллома сифатида танилганлар.

Имом Ғаззолийнинг жаҳон фалсафасида тутган ўрнини тушуниб олиш учун дунёда донғи кетган мусулмонмас бирорта файласуф билан солиштириб кўриш лозим бўлади.

Келинг, ўша файласуф уларнинг энг каттаси, «янги фалсафа отаси» унвонини олган франциялик машҳур файласуф Рене Дикарт бўлсин.

Дикартни машҳур қилган асосий нарса унинг шак назариясидир. У ҳақиқий маърифатга эришишдан олдин шак зарурлигини таъкидлайди. Унинг бу назарияси имом Ғаззолийнинг шакларига жуда ҳам ўхшайди.

Ғарбда имом Ғаззолийни билмаганлари учун, шак назарияси фақат Дикартга тегишли, деган эътиқод ила уни кўкларга кўтариб мақтайдилар.

Шарқда имом Ғаззолийни билганлари учун, буюк файласуф Дикартнинг назариясига ўхшаш гапни айтган шахс ҳам борлигини эслаб қўядилар.

Баъзи бирлари журъат қилиб, Дикарт ва имом Ғаззолийнинг шакларини солиштириб ҳам қўядилар.

Аmmo бу борадаги ҳақиқатни ҳеч ким билмайди. Ушбу ҳақиқатни бу сатрларнинг котиби устоз Муҳаммад Саъийд Рамазон Бутийнинг «Шахсиётун иставқафатни» номли китобларидан билди. У киши мазкур китобнинг 99, 100-бетларида қуйидагиларни ёзадилар:

«Сўнгра бу масалада барча иккиланиш ва ноаниқликка чек қўядиган васийқа – ҳужжат юзага чиқди. Уни устоз Маҳмуд Бийжу доктор Зақзуқдан нақл қилди. Унда айтилишича, тунислик тадқиқотчи Усмон ал-Каок раҳматуллоҳи алайҳи Дикартнинг кутубхонасида «Ал-Мунқиз миназ-Золал» китобининг таржимасини топган. Унда имом Ғаззолийнинг «Шак яқийн – ишончли илмнинг биринчи поғонасидир» деган машҳур ибораси Дикартнинг эътиборини жалб қилганининг белгиси бор эди. Дикарт ўша иборанинг тагига қизил қалам билан чизиб қўйган ва унинг тўғрисида – хошияга «Бу бизнинг назариямизга кўчирилади», деб ёзиб қўйган экан.

Энциклопедиячи тарихий тадқиқотчи устоз Усмон ал-Каок раҳматуллоҳи алайҳи милодий 1975 санада Жазоирнинг Аннаба шаҳрида бўлиб ўтган Ислом фикрининг ўнинчи учрашувида маъруза қилди. Унда қандай қилиб Дикарт имом Ғаззолийнинг назариясини ўзиники қилиб олгани ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Дикартнинг ўз қўли билан хошияга ёзган нарсасини ўқиганини ҳам гапириб ўтди. Мен ўша учрашувда иштирок қилган ва унинг мазкур маърузасини эшитган юзлаб одамлардан бири

ЭДИМ».

«Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар» китобидан